

**«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари»
акциядорлик жамиятининг
Бошқарув раисининг
2022 йил “28” июндаги
151-сонли буйруғига
асосан тасдиқланган**

**«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти
ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари**

Кириш

Қадрли ҳамкасблар,

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) самимийлик, ҳалоллик ва ахлоқий ҳуқ-атворни асосий қадрият деб билади. Биз ўз ишимизни барча амалдаги қонунларга мувофиқ равишда виждонан ва одоб-ахлоқ қоидалари асосида олиб боришга интиламиз.

Шу мақсадда Жамият ушбу ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари қабул қилди, улар Жамиятнинг барча ходимлари учун, шу жумладан Жамиятнинг Бошқарув раиси, таркибий бўлинмалар раҳбарлари, Жамият менежерлари, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари асосида ишлайдиган шахслар томонидан (кейинги ўринларда "Жамият ходимлари" деб юритилади) мажбурийдир.

Жамият ўз бизнес шериқлари ва ҳамкасбларидан (кейинги ўринларда "контрагент" ёки "контрагентлар") ушбу қоидалар ва кўрсатмаларга риоя қилишни талаб қилади. Бундай ҳолда, контрагентлар куйидагича тушунилади:

- Таъминловчилар - Жамият томонидан товар ёки хизматларни етказиб берувчи сифатида танланган шахслар.

- Дистрибьюторлар - Жамият корхоналари маҳсулотларини ташқи бозорларда сотиш учун дистрибьютор сифатида танланган шахслар.

Ушбу қоидада бизнеси юритиш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган ҳар хил вазиятларга тааллуқли кўрсатмалар келтириб ўтилган. Жамият ходимлари фаолиятининг барча жабҳаларида ахлоқий тамойиллар амал қилишни тавсия эталади. Агар ушбу Қоида бўйича, йўл-йўриқлар ёки бошқа ҳар қандай ахлоқий, ҳуқуқий ёки меъёрий ҳужжатлар тўғрисида бирон бир савол туғилса, ходимлар ҳар қандай чораларни кўришдан олдин батафсил йўриқнома олиш учун Бизнес-этика, шаффофликка риоя этиш ва комплаенс бўлими ходимлари билан маслаҳатлашишлари тавсия этилади.

Ушбу Қоидада келтирилган талаблар ҳамма Жамият ходимлари учун мажбурийдир. Ходимлар ушбу ҳужжатларга риоя қилишда манфаатдор томон бўлиб, Жамиятда ахлоқий хатти-харакатларнинг энг юқори стандартларини амалга ошириш учун жавобгардир.

**Жамият Бошқарув раиси
Д.Исақулов**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Жамият ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда – Одоб-ахлоқ қоидалари), эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, ходимларнинг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йиғиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, Жамият ходимларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Жамиятка ишга кираётган шахслар Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

4. Ходимлар қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимларнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимларнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини 1 иловага асосан «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисида Низом асосан куриб чиқилади.

2-боб. Ходимларнинг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари

5. Ходимлар ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

6. Ходимлар қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатъий риоя этиш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда Жамиятнинг ички-тартиб қоидаларига бўйсунуш;

ўз хизмат вазифасини бажараётган ходим Жамиятнинг Жамоат шартномасига биноан иш вақти ҳафтасига 40 соатдан ошмаган ҳолда, кунига саккиз соатлик меъёрга амал қилиш;

эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 18:00 гача, тушлик 13:00 дан 14:00 гача бўлган вақтда ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариши ва Жамиятда ўрнатилган тартиб-қоидага биноан иш фаолиятини олиб бориш;

Одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилган ҳолда ортиқча диққатни жалб қиладиган либосларда келмаслик (эркаклар эркин кўча либосларида, аёл ходималар эса тиззадан баланд, тор ва очиқ либосларда келишлари тақиқланади);

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариш;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларида белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

норматив-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариш;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоӣ гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоӣ барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиш;

ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига ёки Жамиятнинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

Жамиятда хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш.

7. Сиёсий, иқтисодӣ жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек, шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар ходимларнинг қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

8. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ходимларга ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан

бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш тақиқланади.

9. Ходимлар коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

Ходимлар ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган муурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Жамият раҳбарлари шахслар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида муурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва муурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек, бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъкиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

10. Ходимлар касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Жамият Бошқарув раиси ва Бошқарув раисининг ўринбосарлари ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, Жамиятда маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим. Бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамасликлари керак.

Жамият Бошқарув раиси ва Бошқарув раисининг ўринбосарлари кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. Улар гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Жамият Бошқарув раиси:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Жамият Бошқарув раиси ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

12. Ходимлар ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа ходимлар билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорлик қарор топишига даъват этилган.

Ходимлар хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши, уларни ҳурмат қилиши шарт. Ходимлар ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан кўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ходимларнинг ташқи кўриниши фуқароларнинг давлат органига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

13. Ходимлар хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

3-боб. Манфаатлар тўқнашуви

14. Ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви ходимларнинг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва бегараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек, улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўз раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

15. Ходимларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

Ходимлар ўзларининг ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек, лавозимни эгалламаслиги керак.

Ходим ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

16. Ходим лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

4-боб. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

17. Ходим томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

18. Ходим томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

19. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари Жамият Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Жамият Бошқарув раисига қоидалар бузилишини содир этган ходимларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси ходимларга нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш ёки ойлик маоши устамаларидан фойлананишини маълум миқдорда чеклаши мумкин.

Жамият ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, Жамият Одоб-ахлоқ комиссиясининг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Жамият ходимлари одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ҳар йили камида 2 марта семинар тренинглари орқали коррупция ва унга қарши курашиш усуллари, Жамият бизнес-этика, шаффофликка риоя этиш ва комплаенс тизимини ҳақида ўқитилади ва барча ходимлардан 3 иловага мувофиқ тилхат олинади.

5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

20. Ушбу одоб-ахлоқ қоидалари талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

21. Ушбу қоидалар «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ажралмас қисми ҳисобланади ва у тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

22. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ва меъёрий ҳужжатларининг ўзгариши натижасида мазкур одоб-ахлоқ қоидаларининг айрим моддалари улар билан зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда одоб-ахлоқ қоидалари ўзгартиришлар киритилгунга қадар Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига таяниб иш кўради.

**«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг Одоб-ахлоқ
комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖнинг (кейинги ўринларда – *Жамият*) Одоб-ахлоқ комиссияси (бундан буён матнда – *Комиссия*) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия Жамият ҳузурида тузиладиган коллегиал орган бўлиб, Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини кўриб чиқувчи орган ҳисобланади.

3. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда мазкур Низом асосида амалга оширади.

II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва ваколатлари

4. Комиссиянинг асосий вазифалари ва ваколатлари қуйидагилардан иборат:

Ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини кўриб чиқиш ва натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ходимнинг хатти-ҳаракати юзасидан мурожаатларини кўриб чиқади;

қоидалар бузилишини содир этган ходимни жавобгарликка тортиш тўғрисида Жамият Бошқарув раисига кўриб чиқиши учун таклиф киритиш;

йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Комиссия Жамият ходимини Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантириш;

ходимларни Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиши устидан назорат қилиш;

Одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

ходимлар томонидан хизмат мавқеини суистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ходимлар томонидан қонунчилик талабларига риоя этишлари ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўз йиғилишида Одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишига сабабчи бўлган ходимнинг тушунтиришларини кўриб чиқиш;
бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан маълумотлар олиш;
хизмат текширувларини ўтказиш;
қонунчиликка зид бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

III. Комиссия ишини ташкил қилиш

5. Комиссия Комиссиянинг раиси, Комиссия раисининг ўринбосари, масъул котиб ва 4 нафар аъзосидан иборат таркибда ташкил этилади.

Комиссия таркиби 2 иловага ососан Жамият Бошқарув раисининг буйруғи билан тасдиқланади.

6. Комиссия ишларини ташкил этиш ва Комиссия қарорларини бажарилишини назорат қилиш Комиссиянинг масъул котиби (*кейинги ўринларда –масъул котиб*) томонидан амалга оширилади.

7. Комиссия иши мажлис шаклида ташкил этилади ва Комиссия мажлисида баён юритилади.

Комиссия мажлислари заруриятга кўра ўтказилади.

Комиссия мажлиси раис, у бўлмаганда раис ўринбосари раҳбарлигида ўтказилади.

8. Комиссия раиси:

Комиссия ишини ташкил этади;

Комиссия мажлисларини чақиради ва ўтказиши;

Комиссия аъзоларига топшириқлар беради;

йиғилишларда Комиссия фаолияти тўғрисида ахборот беради.

9. Масъул котиб:

Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлайди ва уларнинг сақланишини таъминлайди;

Комиссия аъзоларини ва бошқа манфаатдор шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган сана, вақт ва ўтказиш жойи тўғрисида хабардор қилади;

Комиссия аъзоларининг ва манфаатдор шахсларнинг мажлисга келмаслик сабабларини аниқлайди ва бу ҳақда Комиссия раисига ахборот беради;

Комиссия мажлислари баёнларини юритади;

Жамиятда Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш мониторингини юритади;

раислик қилувчининг Комиссия мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа топшириқларини, шунингдек, Одоб-ахлоқ қоидаларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

10. Комиссия аъзолари:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз бериш;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар бериш ва таклифлар киритиш;

қарорларни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилишда, шунингдек, уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этиш;

кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур маълумотлар билан танишиш;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз фикрини баён қилишга ҳақли.

11. Комиссия мажлислари, агар унда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этса ваколатли ҳисобланади.

12. Комиссия мажлисига ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш ва ҳолисона қарор қабул қилиш мақсадида, ўзига нисбатан Комиссияда иши кўриб чиқиладиган ходим, зарурат бўлган тақдирда эса – Комиссияга мурожаат қилган шахс ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Комиссияда ўзига нисбатан иш кўриб чиқиладиган, Комиссия мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой тўғрисида хабардор қилинган ходимнинг узрли сабабларсиз келмаганлиги Комиссия мажлисини ўтказиш ва тегишли қарор қабул қилиш учун тўсқинлик қилмайди.

13. Комиссиянинг қарорлари кўпчилик овоз билан очиқ овоз бериш орқали қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Овоз бериш жараёнида фақат Комиссия аъзолари ҳозир бўлади.

Комиссия томонидан овоз бериш натижалари дарҳол эълон қилинади.

14. Комиссия Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиш ҳолатини кўриб чиқиш натижаси бўйича қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатини ходим томонидан интизомий ёки бошқача бузишнинг мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқаради;

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатини ходим томонидан интизомий ёки бошқача бузишнинг йўқлиги тўғрисида хулоса чиқаради.

15. Комиссия Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиш ҳолатини кўриб чиқиш натижаси бўйича қабул қилинган қарор билан бирга қўйидагиларни ҳал қилади:

Жамият Бошқарув раисига кўриб чиқиш учун Одоб-ахлоқ қоидаларини бузилишини содир этган ходимни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритади;

йўл қўйилган қоидабузилишининг хусусиятини ҳисобга олинган ҳолда Комиссия ходимга нисбатан Одоб-ахлоқ қоидалари бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

16. Комиссия қарори баён шаклида расмийлаштирилади ва раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда масъул котиб ва аъзолари томонидан имзоланади.

17. Комиссия фаолиятига доир маълумотлар сир сақланади ва ошкор қилинишига йўл қўйилмайди.

18. Комиссия қабул қилган қарорлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**Жамиятнинг Одоб-ахлоқ комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Ф.И.О — Бошқарув раисининг ўринбосари - *комиссия раиси*
2. Ф.И.О — касаба уюшмаси бўйича масъул ходим - *комиссия раисининг ўринбосари*
3. Абдуллаева Н. — Бизнес-этика, шаффофликка риоя этиш ва комплаенс бўлими бошлиғи
4. Ф.И.О — Персоналлар билан ишлаш бўлими бошлиғи
5. Ф.И.О — Юридик бўлим бошлиғи
6. Ф.И.О — Мехнатни ташкиллаштириш ва ҳақ тўлаш бўлими бошлиғи
7. Ф.И.О — Соха бўйича бошқарма ёки бўлим бошлиқлари

Изоҳ:

Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.

Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидалари бўйича
ТИЛХАТИ

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларида ("Қоидалари") белгиланган тамойилларига ҳар доим корпоратив маданиятига риоя қиламан Мен одоб-ахлоқ қоидалари ва йўриқномани билан танишдим шу билан бирга коррупция ва унга қарши курашиш усуллари, Жамият бизнес-этика, шаффофликка риоя этиш ва комплаенс тизимини тўғрисидаги ўқишни тугатганлигимни

Ф.И.О.: _____

Жамият: _____

Бўлим: _____

Лавозими: _____

Мен шу билан тасдиқлайман:

(1) Мен одоб-ахлоқ ва кўрсатмаларни олдим ва кўриб чиқдим.

(2) Мен одоб-ахлоқ қоидалари бўйича семинар (ўқиш)ни тугатдим.

(3) Мен одоб-ахлоқ қоидалари, кўрсатмаларга ва барча амалдаги қонунларга риоя қиламан.

(4) Жамиятнинг Бошқарув раиси, бирон бир мансабдор шахси, ходими томонидан одоб-ахлоқ қоидалари, амалдаги қонунлар бузилиши ёки юзага келиши мумкин бўлган қоидабузарликлар тўғрисида мен хабардор эмасман (*ёки аллақачон хабар берганман*).

(5) Мен тўғридан-тўғри ёки билвосита давлат (ҳукумат) вакилига (одоб-ахлоқ қоидаларида белгиланганидек) пора бериш, пора олиш, воситачилик қилиш ёки бошқа бирон бир нарсани амалга ошириш учун пора таклиф қилмайман.

(Имзо)

(Ф.И.О.)